БАНК ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ

Хатамов Бахромжон Хамидуллаевич
ЎзР БМА магистранти

Банк тизимида ички назоратни ўрганишга нисбатан ёндашувлар, бу соҳадаги илмий тафаккур салоҳияти ва жамиятининг ижтимоий-иқтисодий аҳволига ҳам боғлиқ. Илмий адабиётларда ички назоратга ҳар хил таъриф берилган бўлиб, улар асосан уни ўрганиш бўйича ёндашувлар билан фарқ қилади.

Коробова Г.Г. нинг фикрича, ички назорат – банк фаолиятининг барча даражаларида доимий амалга ошириладиган жараён бўлиб, банк кенгаши аъзолари, банк бошқарувидаги шахслар, раҳбар мансабдор ходимлар ва барча даражадаги ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим[13].

Тавасиев А.М. фикрича, банк ичидаги назорат «банк томонидан амалга ошириладиган ва унинг ўзига қаратилган назоратдан» иборат[14].

Ольхова Р.Г. назоратни «бошқариладиган тизимнинг ишлаши жараёнини кузатиш ва қабул қилинган қарорларга мувофиқлигини текшириш, ҳамда маълум ҳаракатларни ишлаб чиқиш тизими» каби талқин этади[15].

Ҳозирги пайтда, ички назоратнинг замонавий тизимлари COSO қўмитасининг Ички назорат интеграцияланган концепцияси (Integrated Internal Control Framework) тамойилларига асосланади.

Ҳал этиладиган вазифаларнинг ўзига хос йўналишига қараб, Л.В.Усатова ўз ўқув қўлланмасида фақат иккита: молиявий ва маъмурий турини[16], Р.Г.Ольхова тўртта: маъмурий, бухгалтерлик, молиявий ва ҳуқуқий турларга ажратади[17]. А.М. Тавасиев бу турларга қўшимча яна бозор, техник-технологик, бошқарув, ахборот ва ҳисоб-ҳисобот турларини қўшади[18]. Кўпчилик тадқиқотчилар унинг таснифига қўшилади, лекин бозор турини инкор этиб, техник-технологик, технологик ва ахборот турини битта турга бирлаштиради, ҳисоб-ҳисобот турини эса молиявий ва бухгалтерлик турига ажратади.

Маъмурий назорат қуйидагилар устидан назоратни ўз ичига олади: стратегик ва жорий режалар бажарилишининг бориши; операциялар ўтказилишининг алгоритмларини очиб берувчи қоидалар, йўриқномалар, таомилларни, ҳамда банк

[13] Банковское дело: учебник / под ред. Г.Г. Коробовой. - М.: Экономистъ, 2006. – 751 с.
[14] Тавасиев А.М. Антикризисное управление кредитными организациями: учебное пособие / А.М. Тавасиев. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.- 480с.
[15] Ольхова Р.Г. Банковское дело: управление в современном банке: учебное пособие / Р.Г. Ольхова. - М.: КНОРУС, 2008.- 288 с.
[16] Усатова Л.В. Бухгалтерский учет в коммерческих банках: учебное пособие / Л.В. Усатова, М.С. Сероштан, Е.В. Арская. - М.: ИТК«Дашков и К», 2007. – 404с.
[17] Ольхова Р.Г. Банковское дело: управление в современном банке: учебное пособие / Р.Г. Ольхова. - М.: КНОРУС, 2008.- 288 с.
[18] Тавасиев А.М. Антикризисное управление кредитными организациями: учебное пособие / А.М. Тавасиев. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006.- 480с.

бошқарув органларининг фаолиятини белгилаб берувчи низомларни ишлаб чиқишнинг тўлиқлик даражаси ва ўз вақтидалигини таъминлаш; банк ичидаги жараёнларни стандартлаштиришни таъминлаш; барча даражадаги раҳбарлар ва банк бошқарув органлари ҳаракатларининг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги; банкнинг ички бўлинмалари ҳаракатларини мувофиқлаштириш; унинг техник даражаси, иқтисодий ва ахборот хавфсизлигининг ҳолати; мижозлар билан ўзаро муносабатларни такомиллаштириш; таклиф этиладиган хизматлар сифати.

Бухгалтерлик назорати, биринчи навбатда, қуйидагилар устидан назоратни таъминлаши керак: банкнинг жалб қилинган маблағлари, унинг активлари ва мулкининг сақланиши; ҳисоб ахбороти ва ҳисоботнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги; ҳисоб сиёсатига риоя қилиш, активларни унинг тамойилларига мувофиқ тўғри баҳолаш; банкнинг амалга оширган харажатлари асослилиги, мижозлар ва банк тўловларининг амалга оширилиши; Марказий банк ва солиқ органларининг меъёрий талаблари бажарилиши. Банк соҳасида рақобатнинг кучайиши шароитида, банк харажатлари устидан назорат қилиш бухгалтерлик назоратининг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Молиявий назорат қуйидагилар устидан назоратдир: банк молиявий сиёсатининг амалга оширилиши; унинг молиявий оқимларини бошқариш сифати; ресурсларининг ҳосил бўлиши, тақсимланиши ва банкнинг барча бўлинмалари томонидан ишлатилиши; белгиланган лимитларга риоя қилиш; ликвидликни, банк таваккалчиликларни самарали бошқариш; банк, унинг бўлимлари фаолиятининг иқтисодий ва молиявий таҳлилини ўтказиш; банк ичидаги хўжалик ҳисобининг ташкил этилиши ва самарадорлиги; бюджетларни шакллантириш ва тузатиш киритиш; захираларни яратиш ва улардан фойдаланиш; молиявий меъёрларга риоя қилиш.

Ҳуқуқий назорат банкнинг барча ўтказадиган операциялари ва тузадиган битимларининг қонунийлиги, умуман банк фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти, суд, арбитраж ишларининг тегишли ҳуқуқий даражада олиб борилиши устидан назоратнинг инструменти бўлиб хизмат қилади.

Технологик назорат барча банк операцияларини амалга ошириш технологиясига, ишларни бажариш таомиллари, лавозим йўриқномаларига қатъий риоя қилиш устидан назорат функциялари амалга оширилишини кўзда тутади.

Бошқарув назорати барча даражадаги раҳбарлар ва банк бошқарув органлари ҳаракатларининг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги юзасидан оператив чоралар тизимидан иборат; бунда у менеджерлар томонидан ўзи раҳбарлик қилган банк бўлимларининг фаолияти ва бўйсунувчи ходимларнинг фаолияти; бошқарув қарорларининг бажарилиши; бошқарув ахбороти оқимларининг тақсимланиши устидан назоратни амалга оширади.

Банклар орқали жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш мақсадидаги назорат махсус назоратга киритилиши мумкин.

Назорат амалларини бажариш вақтига қараб таҳлил қилиб, иқтисодий фанлар доктори Г.Г. Коробова фақат жорий ва кейинги назорат турларини ажратади [19], лекин дастлабки назоратнинг зарурлигини унутиш мумкин эмас. Л.В. Усатова ва Т.И. Капаева ўз илмий ишларида ички назорат тизими ҳатто кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш устидан назорат қилишдан бошланиши лозим, деб ҳисоблайди[20].

Дастлабки назорат текшириладиган операция амалга оширилишидан аввал ўтказилади. Одатда у хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетлари, молиявий режалари лойиҳаларини, муассаса ва ташкилотларнинг даромад ва харажат сметаларини, таъсис ҳужжатларини ва ҳоказоларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш босқичида ўтказилади. Хўжалик ва молиявий операциялар бажарилишидан аввал бўлган ҳолда, дастлабки назорат прогнозлаштириш ва режалаштириш босқичидаёқ амалдаги молиявий қонунчиликни бузишга ва маблағларни мақсадсиз ёки режасиз ишлатишга уринишларга чек қўйиш, қўшимча молиявий ресурслар манбаларини аниқлаш имконини беради.



1-расм. Тижорат банкларида ички назоратнинг ўтказилиши муддати бўйича турлари[21]

Жорий назорат ёки тезкор назорат деб номланадиган назорат хўжалик ва молиявий операцияларни амалга ошириш, молиявий режалар, бюджет ижросини таъминлаш жараёнида ўтказилади. Бирламчи ҳужжатлар, оператив ва бухгалтерлик ҳисоби, инвентаризация ва визуал кузатиш маълумотларига таянган ҳолда, жорий назорат ўзгариб турадиган хўжалик операцияларини кузатиш ва тартибга солиш, йўқотишлар ва зарарларнинг олдини олиш, молиявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг, молиявий маблағлардан мақсадсиз фойдаланишнинг олдини олиш имконини беради.

Молиявий маблағларни шакллантириш ва ишлатиш якунлари сўнги назоратдан ўтказилади. Хўжалик юритиш субъектларининг бюджетлари, молиявий режалари бажарилишида, бюджет муассасаларининг сметалари бажарилишида молиявий ресурсларни шакллантиришнинг тўлиқлиги, уларни ишлатишнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилади. Моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни, амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларнинг қонунийлигини, эришилган молиявий натижаларни таҳлил қилиш натижасида

[19] Банковское дело: учебник / под ред. Г.Г. Коробовой. - М.: Экономистъ, 2006. – 751 с.
[20] Капаева Т.И. Учёт в банках: учебник / Т.И. Капаева. - М.: ИД «Форум», 2008. - 567с.
[21] Муаллиф томонидан тузилди

баҳолаш ўтказилади. Сўнги назорат хўжалик юритувчи субъектнинг маълум даврдаги хўжалик ва молиявий фаолиятини чуқурлаштирилган тарзда ўрганиши билан ажралиб туради[22]. Унинг натижалари дастлабки ёки жорий назорат натижалари билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни ўтказишдаги нуқсонларни очиб беришга ёрдам беради.



2-расм. Ички назорат ўтказиладиган материалнинг хусусиятига таснифланши[23]

Унинг асосида назорат ўтказиладиган материалнинг хусусиятига кўра, назорат ҳужжатли (формал), амалий ва компьютерли турига бўлинади.

Ҳужжатли (формал) назорат учун маълумот манбалари сифатида бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерлик ҳисобининг регистрлари, бухгалтерлик, статистик ва оператив-техник ҳисобот, меъёрий, лойиҳа-конструкторлик, технологик ва бошқа хил ҳужжатлар хизмат қилади [24].

Амалий назорат текшириладиган объектларнинг амалдаги ҳолатини уларни кўздан кечириш маълумотлари бўйича ўрганишга асосланади (текшириладиган объектларни кўздан кечириш маълумотлари бўйича қайта ҳисобга олиш (қайта санаш, вазнини ўлчаш, лаборатория таҳлили ва ҳоказо), шунинг учун у хўжалик вазиятлари узлуксиз давом этиши сабабли тўлиқ қамровли бўла олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларида ички назоратни ташкил этишда банкларнинг ички меъёрий ҳужжатларидан кенг фойдаланилмоқда. Чунки этибор қилинадиган бўлса, Марказий банк ва бошқа ваколатли органлар томонидан ишлаб чиқилган ва банкларга тавсия этилган меъёрлар ушбу тизимнинг умумий хусусиятларини қамраб олади ва ҳар бир банк бошқаруви ўз ички меъёрлари асосида ички назорат хизматини тўлиқ ва самарали ташкил этади.

[22] Аудит кредитных организаций: учебное пособие / под ред. ред. И.Д. Мамоновой, З.Г. Ширинской. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 520 с.
[23] Муаллиф томонидан тузилди
[24] Капаева Т.И. Учёт в банках: учебник / Т.И. Капаева. - М.: ИД «Форум», 2008. - 567с.